




**«Авария-қутқаруу ва бошқа  
кечиктириб бўлмайдиган ишларни  
ташқил этиш ва ўтказиш»**

# Авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар (АҚБКБИ)

**АҚБКБИ** – бу турли технологик жараёнлар буйича амалга ошириладиган харажатларни ва уларни бажариш тартибини ўзида мужассам этган амалиётлар мажмуасидир

АҚБКБИни бажариш технологиялари жабрланганларни қутқариш буйича ишлар бажарилиши лозим бўлган объектнинг ўзига хослиги(РОО, ХОО ва бошқ.)га ва ишлар бажарилаётган мухитга юқори даражада боғлиқ

**АҚБКБИ** – ФВ зонасида биринчи галда бажариладиган, яъни одамларни қутқариш ва уларга ёрдам кўрсатиш, зарарлантирувчи таъсир ўчоқларини тугатиш ва локаллаштириш, иккиламчи зарарли омилларни таъсирини олдини олиш, моддий ва маданий қийматларни муҳофазалаш ва қутқариш, минимал зарурий хаёт таъминотини тиклашдан иборат бўлган ишлар мажмуидир.



# Зарарланиш ўчокларида авария қутқарув ишлари

## **Авария-қутқарув ишларига қуйидагилар киради:**

- инсонларни қутқариш;
- моддий ва маданий бойликларни сақлаш;
- ФВ содир бўлган ҳудуддаги табиий муҳитни химоялаш;
- ФВларни локализациялаш ва уларга хос бўлган хавфли омилларни тугатиш ёки имкони борича минимал даражага тушириш.

## **Авария қутқарув ишларини ўтказишдан мақсад:**

- зарар(жарохат)ланганларни қидириш ва қутқариш;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- хавфли зонадан хавфсиз жойга кўчириш (эвакуация)



# Авария қутқарув ишлари таркибига қуйидагилар кираді:

- ✦ Харакатланиш маршрутлари ва иш олиб бориладиган худудларни разведка қилиш;
- ✦ ёнғинларни ўчириш ва кенгайишига йўл қўймаслик;
- ✦ ФВ натижасида содир бўлган ва қутқарув ишларини олиб боришга тўсқинлик қилувчи зарарли ва хавфли омилларни тугатиш ёки имкони борича минимал даражага тушириш;
- ✦ зарар(жароҳат)ланганларни қидириш ва уларни бузилган ва ёниб турган бинолардан, газ, тутун ёки сув билан тўлган хоналардан, уюмлардан, чиқариш;
- ✦ вайрон бўлган, зарарланган ва босиб қолган ер иншоотларини очиш ва уларда бўлган одамларни қутқариш;
- ✦ фильтрлаш тизими зарарланган (ишдан чиққан) босиб қолган ер иншоотларига хаво етказиш;
- ✦ жабрланганларга биринчи тиббий ва шифокорлик ёрдами кўрсатиш ва уларни даволаш муассасаларига эвакуация қилиш;
- ✦ Аҳолини хавфли ерлардан хавфсиз жойларга олиб чиқиш;
- ✦ одамларга санитар хизмат кўрсатиш, қ/х хайвонларига ветеринар хизмат кўрсатиш, техникани, химоя воситаларини ва кийимларни дезактивация ва дегазация қилиш, худуд ва иншоотларни, озиқовқатлар, сув ва хоказоларни зарасизлантириш.

# Авария қутқарув ишлари

## хусусан қутқарув ишлари

### одамларни қутқариш билан боғлиқ қутқарув ишлари:

- ❖ Ёпилиб қолган жойларда жабрланганларни қидириш;
- ❖ Зарарланган, ёнаётган, ЗВ, РМ билан захарланган бинолардан жабрланганларни чиқариш;
- ❖ жабрланганларга биринчи тиббий ва шифокорлик ёрдами кўрсатиш;
- ❖ жабрланганларни тиббий муассасаларга эвакуация қилиш;
- ❖ аҳолини хавфли ерлардан хавфсиз жойларга олиб чиқиш.

## махсус ишлар

### махсус ишлар таркибига қуйдагилар киради:

- ❖ ёнғинларни ўчириш;
- ❖ Коммунал - энергетик тизимлардаги аварияларни локализация қилиш;
- ❖ уюмларда ўтиш йўлларини қуриш;
- ❖ турғун бўлмаган конструкцияларни маҳкамлаш (йиқитиш);
- ❖ махсус ишлов беришни ўтказиш.

## ёрдамчи ишлар

### Ёрдамчи ишлар қутқарув ишлари олиб бориладиган худудни тайёрлаш билан боғлиқ:

- ❖ майдончаларни тозалаш;
- ❖ уларга техникаларни, тўсиқларни ва огохлантирувчи белгиларни ўрнатиш;
- ❖ иш жойларини ёритиш.

Махсус ва ёрдамчи ишлар хусусан қутқарув ишларини самарали ўтказишни таъминлаш учун амалга оширилади.

# Зарарланиш ўчоқларидаги бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар

---

## Кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказишдан мақсад:

- ✦ қутқарув ишларини бажариш учун шароитларни яратиш;
- ✦ иккиламчи зарарли омиллар ҳисобига бўладиган кейинги вайроналиклар ва йўқотишларни олдини олиш;
- ✦ ФВ шароитида иқтисодиёт объектларини ва жабрланган аҳолини ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

## Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✦ авария-қутқарув ишларини ҳар томонлама таъминлаш;
- ✦ ФВ дан жабрланган аҳолига тиббий ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш;
- ✦ Одамларни ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, уларни иш фаолиятини тиклаш учун зарур бўлган минимал шароитларни яратиш.

# Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар таркибига қуйидагилар киради:

---

- ✦ колонна йўлларини ётқизиш ҳамда уюмлар ва зарарланган худудлар орқали ўтайдиган йўлларни қуриш;
- ✦ газ, энергетика, водопровод, канализация ва технологик тизимлардаги аварияларни локализация қилиш;
- ✦ вайрон бўлиши мумкин бўлган ёки қутқарув ишларини бажаришга тўсқинлик қиладиган бино ва иншоотларнинг конструкцияларини маҳкамлаш ёки йиқитиш;
- ✦ зарарланган ва вайрон бўлган алоқа тизимлари ва коммунал-энергетика тўрларини таъмирлаш ва тиклаш;
- ✦ портлайдиган хавфли предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш;
- ✦ Зарарланган химоя иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш;
- ✦ ФВ зонасидаги худудларни санитар тозалаш;
- ✦ Моддий қийматларни йиғиш;
- ✦ Одамларни ҳаёти ва соғлиғини сақлаш учун зарурий минимал шароитларни яратиш.


# Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади

- **Портлаш хавфи бўлган буюмларни топиш, зарарсизлантириш ва йўқотиш;**
- **ФВ содир бўлган ҳудудни тозалаш;**
- **Моддий бойликларни йиғиш.**




# Авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш босқичлари

**I босқич**




**Аҳолини тезкор химоялаш ва қутқариш, АҚБКБИ ўтказиш учун кучларни ва ФВДТ воситаларини тайёрлаш бўйича тадбирларни ўтказиш.**

**II босқич**




**Авария-қутқарув ишлари ва ФВ зонасидаги бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш.**

**III босқич**



**ФВ оқибатини тугатиш.**

# АҚБКБИни ўтказишга таёргарлик кўриш ва уларни бажариш бўйича ташкилий тадбирлар



# ФВ содир бўлиш хавфи бўлмаганда ўтказиладиган тадбирлар

---

- ФВ ҳақида маълумот йиғиш;
- ФВ содир бўлиш эҳтимоли бўлган ҳудудда АҚБКБИ ни ўтказишни режалаштириш;
- бошқарув ташкилотларини тузиш ;
- АҚБКБИ ўтказиш учун ФВДТ кучлари ва воситаларини тузиш, жихозлаш ва тайёрлаш;
- Атроф-мухит ҳолатини, потенциал хавфли объектларда ва уларга туташ ҳудудлардаги ҳолатни кундалик кузатувини ва лаборатория назоратини ташкил этиш;
- ФВ оқибатларини тугатиш учун модий ресурслар захираларини яратиш.

# ФВ содир бўлиш хавфи бўлганда ўтказиладиган тадбирлар

---

- бошқарув органларини вазифаларни бажаришга тайёрлик ҳолатига ўтказиш;
- ФВ ҳақида огохлантириш ва уни тугатиш масалалари бўйича режаларни аниқлаштириш;
- атроф муҳит ҳолатини кузатувини кучайтириш, ФВ содир бўлиши имконини ва унинг кўламини башорат қилиш;
- куч ва воситаларнинг группировкаларини яратиш ва уларни АҚБКБИни бажаришга тайёр ҳолатга келтириш, (ш.ж. зарур бўлганда уларни тахмин қилинган ФВ зоналарига чиқариш).

## ФВ содир бўлганда бажариладиган тадбирлар

- ✿ агар бошқарув функциялари бузилган бўлса уларни тиклаш;
- ✿ ФВ зоналарининг разведкасини ташкил этиш, узлуксиз назоратни ва ҳолат тўғрисида маълумот йиғишни амалга ошириш;
- ✿ куч ва воситалар группировкаларини фаолиятга яроқлигини тиклаш (ёки яратиш) ва уларни химоясини ташкил этиш;
- ✿ кучларни ишлар бажариладиган жойларга чиқариш;
- ✿ АҚБКБИни ўтказишни бошқариш.



# АҚБКБИни ташкил этиш

Вазиятни баҳолаш

ФВни тугатишга қарор қабул қилиш

Вазифаларни қўйиш

Ўзаро ҳамкорлик ва ҳар томонлама  
таъминотни ташкил этиш

АҚБКБИни ташкил этиш

# АҚББИни ўтказиш технологиялари

## Ўтказиш объектлари

Вайрон бўлган sanoat бинолари  
ва фуқаро иншоотлари

Коммунал-энергетик тизимлар

Сув босган объектлар ва  
бўшлиқлар

Нефт-газ-аммиак ўтказгичлар

Кимёвий ва радиоактив  
захарланиш учоқлари

Саноат корхоналари,  
омборхоналар

Транспорт воситалари

Портлаш-ёнғиндан хавфли  
объектлар

## Ишларни ташкил этиш ва ўтказишга талаблар

- ишларни қисқа мuddатларда ташкил этиш ва ўтказиш;
- зарарланиш кўламини камайтиришни ва тез локаллаштиришни таъминловчи усул ва технологияларни қўллаш;
- ФВ оқибатларини тугатиш бўйича етарлича ишончлилиқ ва самарадорликни бўлиши;
- Қутқарувчиларга ва теvarак атроф муҳитга қўлланиладиган усул ва технологияларнинг хавфсизлиги.

## АҚББИни ўтказишни асосий босқичлари

Халокат райони ва иш  
объектининг умумий ва махсус  
разведкаси

Инженер-техник ишлар

Тайёргарлик ишлари

Қидирув-қутқарув ишлари

Кечиктириб бўлмайдиган  
қидирув-қутқарув (техник)  
ишлари

Объектлардаги ёнғинларни  
тугатиш

Биринчи тиббий ёрдамни  
кўрсатиш ва жабрланганларни  
эвакуация қилиш

Халок бўлганларни чиқариб  
олиш, эвакуация қилиш,  
шахсини аниқлаш ва кўмишни  
ташкил этиш

Жабрланганларга йўл очишни таъминлаш, уларни тутқунликдан халос этиш ва кейинги чиқариб олиш бўйича инженерлик ишлари энг мураккаб технологик босқичдир.

# АҚБКБИни ўтказиш

Ишончли алоқани қўллаб туриш

Ҳолат ҳақида маълумот йиғиш, уни таҳлил қилиш ва баҳолаш

АҚБКБИни ўтказишни ҳисоботини юритиш

Вазифаларни аниқлаш, уларни қўл остидагиларга етказиш

Кучларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳар томонлама таъминотини қўллаб туриш

Аҳоли ва ФВДТ кучларидаги талофатларни ҳисоботини юритиш

Ҳолат ҳақида маълумот алмашиш

Ишончли бошқарувни қўллаб туриш

# АҚБКБИни ўтказишни ташкил этиш

Тинч ва харбий даврдаги авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар кечаю-кундуз, смена билан тулиқ тугагунга қадар ўтказилади.



Ишларнинг узлуксизлигига

АҚБКБИ вазифаларини тўла бажарилишига

қуйидагилар орқали эришилади:


- уларни рационал ташкил этиш билан;
- тезкор ва қатъий бошқарув билан;
- куч ва воситаларнинг ўз вақтидаги манёври билан;
- зарурий химоя воситалари ва моддий-техник воситаларни тўлиқ таъминлаш билан;
- захарланиш (ОВ, АХОВ, РВ билан) шароитида ишлаш режимини ҳисобга олиб ташкилий жамланмаларни ва қутқарувчиларни ўз вақтида алмаштириш билан

- разведкани ўз вақтида ташкил этиш ва узлуксиз олиб бориш билан;
- зарарланиш ўчоқларига кучлар ва воситаларни ўз вақтида киритиш билан;
- ташкилий жамланма бошлиқлари (раҳбарлари) томонидан иш участкалари (объектлари)ни олдиндан ўрганиб чиқиш билан;
- куч ва воситаларни ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, уларни хар томонлама таъминлаш билан;
- ишларни бажаришда хавфсизлик қоидалари ва тадбирларига амал қилиш билан.

АҚБКБИни ўтказишда барча вазифалар максимал қисқа муддатларда, уч босқичда бажарилади.


# Авария-қутқару вa бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш босқичлари

**I босқич**




**Аҳолини зудлик билан химоялаш ва қутқариш ҳамда ФВДК кучлари ва воситаларини АҚБКБИни бажаришга тайёрлаш бўйича шошилиш чора-тадбирларни ўтказиш**

**II босқич**



**ФВ зонасида авария-қутқару вa бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш**

**III босқич**



**ФВ оқибатларини тугатиш**



# 1 босқич

## Шошинч чора-тадбирларни кўриш

**Ахолини шошинч химоялаш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш:**

- ФВ содир бўлгани хақида огохлантириш;
- химоя воситаларидан фойдаланиш;
- хавфли жойлардан эвакуация қилиш;
- хулқ(ўзини тутиш) режимларига риоя қилиш;
- жабрланганларни излаш, чиқариш, олиб чиқиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш

**ФВнинг хавфли таъсирини кенгайтишини олдини олиш ва камайтириш:**

- зарарланиш ўчоқларини локализация қилиш
- хавфли моддалар(нурланиш) ажраладиган манбаларни тўсиш ёки тугатиш;
- технологик жараёнларни тўхтатиш ёки ўчириш;
- ёнғинларни ўчириш;
- санитар ишлов бериш ва зарарсизлантириш.

**Тўла кўламли АҚБКБИни бажаришга тайёргарлик кўриш:**

- разведка ўтказиш
- вазиятни баҳолаш ва уни ривожланишини башорат қилиш
- бошқарув органлари ва кучларни тайёр ҳолатга келтириш, ФВДК кучлари ва воситалари группировкаларини яратиш
- ОГларни чиқариш ва ФВ Зонасининг чегараларини аниқлаш
- АҚБКБИни ўтказишга қарор қабул қилиш.

2-босқич  
Тўла кўламли АҚБКБИни ўтказиш

Тўла кўламли АҚБКБИни ўтказишга қатъий(сўнгги) қарор ишлаб чиқиш

Шакланган қўшин қисмларига вазифаларни аниқлаб қўйиш

Бошқарув, ҳамкорлик ва таъминотни ташкил этиш

АҚБКБИ ни ўтказиш

Қўйилган вазифаларни бажарилишини назорат қилиш

## АҚБКБИни ўтказиш мобайнида 2-босқичда бажариладиган асосий ишлар

Жабрланганларни излаш, уюмлар остидан, ёнаётган бинолардан, шикастланган транспорт воситаларидан чиқариш

Хавфли ҳудудлардан аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш

Жабрланганларга биринчи тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш;

Талофат ўчоғини локализация қилиш;

Уюмларни йиғиштириш, вайрон бўлиш хавфи бўлган конструкцияларни маҳкамлаш

Қутқарув ишларини таъминлаш мақсадида энергетик ва коммунал хамда алоқа тизимларини тиклаш;

Махсус ишлов (одамларни санитар ишловдан ўтказиш, техникани, мол-мулкни, иншоотларни, ҳудудларни дегазация, дезактивация қилиш) ўтказиш.

## 3- босқич ФВ оқибатларини тугатиш

---

### Биринчи гуруҳ ишлари

Жабрланган аҳолининг дастлабки  
хаёт-фаолиятини таъминлаш учун  
шароитлар яратиш ва ташкил этиш

### Иккинчи гуруҳ ишлари

ФВ оқибатида шикастланган  
объектларни фаолиятини тиклаш

# Биринчи гуруҳ ишларининг мазмуни

Махсус ишлов беришни ташкил этиш, худудлар, йўллар, иншоотлар ва бошқа объектларни дегазация, дезактивация ва дезинфекция қилиш.

Хаёт фаолиятини таъминловчи мобил бўлинмаларни ФВ районига чиқариш

Захира(ресурс)ларни жабрланган район фойдасига қайта тақсимлаш

Уй-жойсиз қолган аҳолини вақтинчалик жойлаштириш

Аҳолини озиқ-овқат махсулотлари, сув, ва бирламчи зарурий ашёлар билан таъминлаш

Аҳолини хаёт фаолиятини таъминлайдиган тизим ва объектларни ишлашини ёқилғи-энергетика воситалари ва транспорт билан таъминлашни ташкил этиш

Аҳолини дастлабки хаёт фаолиятини таъминлайдиган тизим ва объектларни тиклашни ташкил этиш

Тиббий-санитар таъминотни ташкил этиш ва бошқа зарурий чора-тадбирлар. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Аҳолини реэвакуация қилиш



# Иккинчи гуруҳ гуруҳ ишларининг мазмуни

Биоларни тиклаш ёки қуриш

Ускуна-жихозларни тиклаш ёки янгисини ўрнатиш

Энергия таъминоти ва транспорт хизматини тиклаш

Моддий воситаларни тўлдириш

Гидротехник иншоотларни тиклаш

Хўжалик алоқаларини тиклаш



# АҚБКБИни ўтказиш учун куч ва воситаларни группировка қилиш

## Тинчлик даврида ФВ содир бўлганда

АҚБКБИни ўтказиш учун куч ва воситаларни группировка қилиш тартиби ФВҚ раиси ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи, корхона рахбари томонидан кучга киритиладиган “ФВ оқибатларини олдини олиш ва тугатиш бўйича ҳаракат режаси”да белгилаб қўйилган.

Жалб этилади:

Худудий авария\*қутқарув бўлинмалари - маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи ФВҚ қарори билан

Объектлардаги авария-қутқарув бўлинмалари – объектлардаги ФВҚ қарори билан

Куч ва воситаларнинг умумий миқдори ФВҚ раиси томонидан бажариладиган ишларнинг ҳажмини ҳисобга олиб белгиланади



# АҚБКБИни ўтказиш учун куч ва воситаларни группировка қилиш Харбий даврда ФВ содир бўлганда

Куч ва воситаларни группировка қилиш (вазиятни башорат қилиб баҳолаш асосида) “ФМ ва аҳолини химоя қилиш режаси”нинг махсус бўлимида ёритилган.

АҚБКБИни ўтказиш учун асосий ташкилий звено – ЎзР субъекти (вилоят)

## Кучлар группировкаси

### Биринчи эшелон

Юқори темпда ишларни бажариш учун ҳаракатчан (мобил), тайёргарлик кўрган ва техника билан жиҳозланган кучлар

- ФМ қўшинлари
- Ўзаро ҳамкорлик режаларига кўра ажратилган харбий қисмлар ва бўлинмалар
- Категорияланган шаҳарларнинг авария-қутқарув бўлинмалари
- ФМ мақсадида жалб этиладиган авария-қутқарув хизматлари ва бўлинмалари

### Иккинчи эшелон

Ҳаракатларни кучайтириш ва қутқарув ишлари фронтини кенгайтириш ҳамда биринчи эшелон бўлинмаларини алмаштириш учун

- Муниципал (махаллий ҳокимият) ташкилотларнинг ФМ кучлари
- ЎзР МВ қисмлари ва бўлинмалари
- Кечроқ муддатларда шайланадиган ФМ қўшинлари

### Захира

Қўққисдан пайдо бўладиган вазифалар, кучларни алмаштириш учун

- Муниципал (махаллий ҳокимият) ташкилотларнинг авария-қутқарув бўлинмалари;
- Ўзаро ҳамкорлик режалари бўйича ажратиладиган ФМ кучлари.

# АҚБКБИни ташкил этиш ва ўтказишда бошқарув қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ФВДК бошқарув органлари ва кучларини тайёр холатга келтириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- вазият ҳақидаги маълумотларни мунтазам йиғиш, таҳлил қилиш, ва ёритиб бориш;
- ФМ бошлиғи (ФВ бўйича комиссия раиси) томонидан қарор қабул қилиш учун ҳисоб-китоблар ўтказиш ва ва таклифлар тайёрлаш;
- қарорлар қабул қилиш;
- режаларни аниқлаштириш (фаолиятни режалаштириш);
- вазифаларни қўл остидагиларга ўз вақтида етказиш;
- ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаб туриш;
- жалб этиладиган кучларни ҳар томонлама таъминотини ташкил этиш;
- бўлинмаларга бевосита раҳбарлик қилиш ва қўйилган вазифаларни бажарилишини назорат қилиш.

# АҚБКБИни бошқарувини

## ташқил этиш

Вазиятни баҳолаш

ФВни тугатиш учун қарор қабул қилиш

Вазифаларни қўйиш

Ўзаро ҳамкорлик ва ҳар томонлама таъминотни ташқил этиш

Бошқарувни ташқил этиш



# АҚБКБИни ўтказиш мобайнида бошқарув

## Бошқарувнинг бош мақсади

Одамларни қутқаришда ва кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажаришда кучлар ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш

АҚБКБИни тўлиқ хажмда, қисқа муддатларда, кучлар ҳамда аҳолини минимал талафоти билан ўтказиш

Бошқарувни асоси бўлиб маҳаллий бошқарув ва корхоналар раҳбарлари(ФВҚ раиси)нинг Қарори ҳамда ФМФВ бўйича бошқарувнинг юқори турувчи органининг кўрсатмаси хизмат қилади

## Бошқарувга талаблар

Тезкорлик

Узлуксизлик

Омилкорлик ва қатъийят

# АҚБКБИни ўтказиш мобайнида бошқарув

---

Бошқарувга талаблар қуйидагилар орқали қанотлантирилади:

- бошқарув пунктлари(БП)ни бўлинмалар (кучлар ва воситалар) ҳаракат қилаётган жойларга яқинлаштириш;
- вазифаларни ФВ бўйича комиссия ва шикастланган объект бўлинмалари, шунингдек ФВ бўйича ҳудудий комиссия ва унинг тезкор гуруҳи билан ўзаро ҳамкорликда бажариш;
- вазиятдан огоҳ бўлиш ва унинг ўзгаришига тез эътибор қаратиш;
- Қабул қилинган қарорлар ва вазифаларни бажариш технологияларини сабот билан (қатъий) ҳаётга тадбиқ этиш;
- АҚБКБИни ўтказишда хавфсизлик чораларига риоя қилиш.

# Вазиятни баҳолаш

Вазиятни баҳолашда бошлиқ(рахбар) қўйдагиларни ўрганиб билиши


## ЛОЗИМ:

- иш участкасидаги вайронагарчиликлар, ёнғинлар ва бошқа талафотларнинг хусусияти ва хажми ҳамда уларга ўтиш йўллари;
- бажарилиши лозим бўлган ишларнинг хажми ва турини;
- радиацион, кимёвий ва биологик вазиятни ва уларнинг вазифаларни бажарилиши давомидаги таъсирини;
- ўзининг ва қўшиб берилган бўлинмаларнинг тайёрлик ва таъминланганлик ҳолати ва уларнинг имкониятларини;
- қўшнилари ва вазифалари ва ҳаракатлари хусусиятлари;
- бўлинма фаолиятига жойдаги маҳаллий шароитнинг таъсири ҳамда зарарланиш ўчоғига ва иш участкасига чиқиш маршрутининг ҳолати;
- вазифани бажаришга об-ҳавонинг, йил мавсуми ва сутка вақтининг таъсири.

# Вазиятни баҳолаш

*Вазиятни баҳолашга қуйидагилар киради:*

- ✿ Вазиятни асосий омилларининг тахлили ва ФВ оқибатларини баҳолаш (экстремал ҳолат тури, авария хусусияти ва кўлами), радиоактив, кимёвий зарарланиш тури, хусусияти ва кўлами;
- ✿ вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар (ёнғинлар, портлашлар ва бошқ.);
- ✿ мавжуд куч ва воситаларни баҳолаш, уларнинг фаолият учун тайёрлик ҳолати;
- ✿ авария районидаги жойнинг хусусияти, об-ҳавонинг ҳолати, йил мавсуми, суткани вақти, уларни вазиятга ва вазифаларни бажаришга таъсир кўрсатиш имкони;
- ✿ қўйилган вазифани бажариш учун моддий-техник воситалар билан таъминланганлик ва эҳтиёж;
- ✿ аҳоли хатти-ҳаракатининг энг мақсадга мувофиқ вариантини танлаш;
- ✿ аҳолини химоя қилиш ва ФВ оқибатларини тугатиш бўйича чоратадбирларни белгилаш;
- ✿ авария оқибатларини тугатиш бўйича шикастланган объект ва ҳудудий органларнинг имкониятлари.



# Рахбар(ФВҚ раиси) қарорининг структураси(таркиби) ва ФМФВ БО мансабдор шахсларининг таклифлари



# Мўлжал

Мўлжал учун  
таклифлар

Қарорнинг  
мазмун қисми

Қилинадиган ишларнинг мақсади

Ишларни бажариш усуллари, асосий харакатлар  
йўналишлари

Асосий вазифалар, муддатлар, уларни бажариш  
тартиби ва усуллари

Кучлар группировкаси, уларни сафлантириш имкони  
бўлган манёврни бажариш

Асосий вазифаларни қандай бажариш керак

Кучларнинг қандай группировкаси бўлиши керак, уни сафланиш тартиби, манёвр хусусияти



# ҚАРОР ҚИЛДИМ(БУЮРАМАН)

## Бўйсунувчиларга вазифалар:

Асосий вазифаларни бажариш учун фаолиятлар аниқланади

### Ўзаро ҳамкорлик бўйича кўрсатмалар

Асосий вазифаларни ҳал этишда биргаликда олиб борилаётган ҳаракатлар мобайнида ўзаро ҳамкорлик тартиби аниқланади

### Таъминот бўйича кўрсатмалар

Махсус	Техник	Сиртқи	Маънавий-психологик
--------	--------	--------	---------------------

### Бошқарув бўйича кўрсатмалар

Асосий вазифаларни ҳал этишда жалб этилган кучлар ҳаракатини бошқариш тартиби

Жалб этилган кучлар бошқаруви қайси бошқарув пунктларидан амалга оширилади, бошқарувни қўлга олиш навбати

## Буйруқ қисмига таклифлар

Мўлжални амалга ошириш учун кучларнинг группировкаларига вазифалар

Жалб этилган кучларнинг ўзаро ҳамкорлик тартиби

Таъминотнинг тартиби ва усуллари, ўтказиладиган тадбирлар

Қайси бошқарув пункти бош пункт бўлади, унинг фаолиятини таъминлаш учун зарур кучлар ва воситалар, бошқарувни қўлга олиш навбати

Қарорнинг буйруқ (фармоиш) қисми

Каттароқ бошлиқ билан келишиладиган масалалар (зарурат бўлганда)

# Қарор ниятининг мазмуни

Қилинажак ишларнинг мақсади, хажми ва хусусияти



Асосий харакатлар йўналтирилган участкалар



Асосий вазифалар, муддатлар, уларни бажариш технологияларининг тартиби ва усуллари



Кучлар группировкаси (таркиби, сони), унинг сафланиши, маневр қилиш имкони, моддий-техник таъминоти

# Қарорнинг мазмуни

Харакатларнинг мўлжали

Бўйсунувчилар ва уларга ажратилган бўлинмаларнинг вазифалари, уларни бажариш усуллари ва муддатлари

Иш участкалари(объект)га чиқиб бориш тартиби

Ўзаро ҳамкорлик тартиби

Бошқарув ва таъминот бўйича тадбирлар



# Буйруқ шакли

1. Иш участкасидаги вазиятни баҳолашдан қисқа хулосалар (вайроналик даражаси, ёнғинлар, КЗМ концентрацияси, тизимлар ҳолати).

2. Бўлимнинг вазифлари, ишларни бажаришнинг усуллари ва технологиялари.

3. Қўшнилари ва ажратилган кучларнинг вазифалари.

4. Ҳаракат мўлжали: қаерда қандай ишларни бажариш лозим ва уларнинг бажариш муддатлари, қаерда ва қайси ишларга асосий кучларни йўналтириш керак.

5. «Буюраман» сўздан сўнг бўйсунувчиларга вазифалар қўйилади: қутқарув ишларининг ҳажми, бажариш усуллари ва муддатлари.

6. Аҳолини муҳофазалаш тадбирлари, жалб этиладиган ОАВ, хавфсизлик чоралари.

7. Тиббий пунктнинг жойлашадиган ери, шикастланганларни эвакуация қилишнинг йўли ва тартиби.

8. Зарарланиш зонасида иш тартиби ва хусусияти, куч ва восита киритиш тартиби.

9. Ишларни бошлаш ва тугатиш вақти, ўзининг жойлашган ери, хабар бериш сигналлари, ўзаро ҳамкорликни, таъминотни ташкил этиш.

10. АҚБКБИни ўтказишда бошқарувни ташкил этиш.

**АҚБКБИни ўтказишда бўлинмалар харакатини  
бошқаришнинг асосини  
бошлиқ (рахбар) қарори ташкил этади**

Асосий турдаги ФВ учун хос бўлган вазиятда шикастланганларнинг тирик қолиш **муддати чегараланганлиги**, одамларни иложи борича тезроқ қутқариш, хосил бўлган шикастловчи омилларни локаллаштириш ёки тугатиш лозимлиги сабабли бўлинмаларни тайёр холатга келтириш, жойга чиқишга тайёрлаш ва ФВ районига чиқиш бўйича ишлар **АҚБКБИни ўтказишга қарор ишлаб чиқиш билан параллел амалга оширилади.**

# **Вазифа олингандан кейин командир (раҳбар) нинг бажарадиган ишлар тартиби**

**Вазифани аниқлаб олиш**

**Дастлабки фармоишларни бериш**

**Вақтни хисоблаш**

**Разведкани ташкил этиш ва рекогносцировкани ўтказиш**

**Вазиятни баҳолаш**

**Қарор қабул қилиш**

**Бўлинмаларга вазифаларни қўйиш**

**Ўзаро ҳамкорликни, таъминотни, бошқарувни ташкил этиш**

**Ишларни боришини бошқармоқ**

# Вазифани аниқлашни мазмуни

Қилинажак ишларнинг мақсади



Каттароқ бошлиқнинг мўлжали



Умумий вазифани бажаришда ўз  
бўлинманинг вазифаси, ўрни, ва роли



# Дастлабки фармоишларни бериш

Ориентирование подчиненных производится с целью доведения до них задачи, поставленной старшим начальником, в части их касающейся, и постановки им частных задач, решение которых обеспечивает процесс выработки решения и организации его выполнения.

При ориентировании руководитель доводит до подчиненных следующую информацию:

- ❖ о предстоящих действиях;
- ❖ об организации разведки и других действиях, необходимых для последующей оценки обстановки;
- ❖ о подготовке предложений в решение;
- ❖ о сроках подготовки и представления необходимых данных для выработки решения.

## Разведкани ташкил этиш бўйича кўрсатмаларда бошлиқ томонидан қуйдагилар аниқлаштирилади:

- разведканинг мақсади ва вазифалари;
- қандай маълумотларни қайси муддатга тақдим этиш керак;
- разведканинг асосий эътиборини қайси объект(участка)ларга қаратиш лозим.

## Рекогносцировка мобайнида бошлиқ қуйдагиларни аниқлаштиради:

- вазиятни;
- вазифаларни.

### ўрганади:

- иш участка(объект)лари ва уларга яқинлашиш йўлларини;
- вайроналиклар, уюмлар, ёнғинлар хусусиятларини;
- захарланган, сув босган жойлар борлиги, уларнинг чегаралари, хусусиятлари, кўламини;
- аҳолининг ҳолати, АҚБКБИни ўтказиш учун зарур маҳаллий материаллар мавжудлиги;
- коммунал-энергетика тизимлари ва ён-атрофнинг ҳолатини;
- бошқарув пунктларини, тиббий пунктларни, орқа томондаги бўлинмалар пункти, техникани зарарсизлантириш, шахсий таркибга санитар ишлов бериш пунктларини ёйиш учун қулай жойларни.

# Разведкани ташкил этиш ва юритиш



ФВҚ рахбари (раиси) разведканинг мақсади, вазифалари, кучлар ва воситалар таркибини аниқлайди

Разведкани ФМФВ бўйича бошқарув органи (штаб) ташкил этади

## Разведканинг мақсади:

- АҚБКБИни юритишда бошқарув органларини вазият ҳақидаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш;
- уточнение обстановки на объектдаги вазиятни аниқлаштириш, зарарланиш зоналарининг кўлами, зарарловчи омилларнинг ривожланиш динамикаси.

## Разведканинг вазифалари :

- ишларни юритиш участкасида зарарланиш зонаси чегаралари(шикастланган объект)даги вазият ҳолатини аниқлаштириш;
- ишлар бажарилаётган участкадаги жойни маҳаллий шароитларини ва уларнинг қўйилган вазифани бажаришга таъсир кўрсатиш имконини аниқлаш (ўрганиш);
- жабрланганлар жойлашган ерларни, уларнинг ҳолатини ва қутқариш усулларини аниқлаш;
- зарарланиш даражаси ва хусусиятлари ўзгаришини узлуксиз кузатиш;
- бўлинмалар ҳаракатланаётган жойлардаги коммунал-энергетик тизимлар ҳолатини аниқлаштириш;
- АҚБКБИни юритишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш.

# Таъминотнинг асосий турлари





# Таъминот мақсадлари:

- ✦ вазият хақида тўлиқ маълумот олиш;
- ✦ ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш;
- ✦ моддий воситаларга эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантириш;
- ✦ ташувларни амалга ошириш;
- ✦ техникани соз ҳолатда ушлаб туриш;
- ✦ АҚБКБИни ва бошқа вазифаларни бажаришни ўз вақтида ва ташкиллаштирилган ҳолда ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш.



# Таъминотни ташкил этишга қуйидагилар киради:

таъминот бўлинмаларига вазифани қўйиш;

таъминотда қатнашувчи кучлар ўзаро ҳамкорлигини аниқлаштириш;

ишларни таъминоти бўйича вазифаларни бажарувчиларга етказиш;

тадбирларни бажарилишини назорат қилиш;

# Ўзаро ҳамкорлик бўлинмалар ҳаракатларининг қўйидагилар бўйича келишувидан иборат :

---

мақсадлар(вазифалар)

ҳаракат жойи ва вақти

қўйилган вазифаларни бажариш усуллари

# Ўзаро ҳамкорликда қуйидагилар келишилади:

---

- иш участка(объект)ларига келганда ҳаракат қилиш тартиби;
- қутқарув ишларини юритишга тўсқинлик ғиладиган омилларни тугатишни ёки мумкин бўлган минимал даражагача камайтиришни ташкил этиш;
- вазиятнинг мураккаб шароитларида қутқарув ишларини юритишда ҳаракат қилиш тартиби;
- коммунал-энергетик тизимлардаги шикастланишларни тугатишда ҳудудий(объектдаги) бўлинмалар ва мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик тартиби ;
- сменалар алмашинувида ҳаракатланиш тартиби;
- вазият кескин ўзгарганда, қутқарувчилар ҳаёти учун бевосита хавф-хатар туғилганда ҳаракатланиш тартиби;
- алоқа қилиш ва маълумот олиш тартиби;
- бошқарув пунктларининг жойлашган ўринлари.